



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 29 (12.340)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Шу кунларда мамлакатимизда буюк мутафаккир шоир Алишер Навоий таваллудининг 572 йиллигига бағишланган маърифий тадбирлар, адабий кечалар, илмий анжуманлар, мушоиралар ўтказилмоқда.



Алишер Навоий таваллудининг 572 йиллигига



БУЮК ШОИРГА ЭҲТИРОМ

Анъанага кўра, 9 февраль куни Алишер Навоий номи билан аталувчи Ўзбекистон Миллий боғида шоир таваллудининг 572 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, турли вазирлик ва идоралар, ижодий уюшмалар мутасаддилари, маънавият тарғибчилари, ўқитувчилар, маҳалла фаоллари, талаба-ёшлар иштирок этди.

Ўзбекистон Қадрамони, халқ шоири Абдулла Орипов, филология фанлари доктори, адабиётшунос олим Шухрат Сирожиiddинов, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, шоир Эшқобил Шукр ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида буюк аждодларимизнинг умрбоқий илмий-маърифий меросини ўрганиш бора-сида олиб борилаётган эзгу сазъи

харакатлар миллий адабиётимизни ривожлантириш, халқимиз, айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтиришга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Маънавият ва маърифатни юксалтириш, баркамол авлодни воёга етказиш, она тилимиз, миллий адабиётимиз равнақида улуг шоир, мутафаккир Алишер Навоий ижодининг аҳамияти бекиёсдир. Мамлакатимизда Навоий меросини ўрганиш, асарларини нашр этиш, мазмун-моҳиятини кенг тарғиб ва ташвиқ қилиш масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан бу борадаги ишлар ҳар томонлама рағбатлантирилиб, шоир асарлари жамланган йиғирма жилдлик ва ўн жилдлик тўпламлар халқимизга тақдим этилди.

Хозирги глобаллашув даврида Алишер Навоийнинг инсоний баркамоллик, одоб-ахлоқ, беғубор ва покиза туйғулар улуғланган асарлари

ҳар қачонгидан ҳам долзарблик касб этмоқда. Шу боис улуг шоирнинг ижод намуналари жаҳон халқларининг кўплаб тилларига таржима қилиниб, олимлар, кенг жамоатчилик томонидан катта қизиқиш билан ўрганилмоқда.

Шоир ўз асарларида улугланган юрт равнақи, ободлиги, осуда ва фаровон ҳаёт, жамиятдаги барқарорлик, ўзаро тотувлик ва аҳиллик, меҳр-оқибат муҳитини асраб-авайлашдек эзгу ғоялар Президентимиз томонидан эълон қилинган Обод турмуш йили мазмун-моҳияти билан ғоят ҳамоҳангдир.

Тадбирда Алишер Навоий даҳосига бағишланган шеърлар ўқилди.

Тадбир иштирокчилари Алишер Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов иштирок этди.

Шу куни пойтахтимиздаги Шоирлар хибонидида Алишер Навоий таваллудига бағишланган мушоира бўлиб ўтди. Унда адабиёт ихлосмандлари, шоир ва ёзувчилар, навоийшунос олимлар, ўқитувчилар қатнашди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари, халқ шоири Сирожиiddин Саййид, навоийшунос олим, академик Азиз Каюмов, филология фанлари доктори, профессор Ҳамидулла Болтабоев ва бошқалар Навоийнинг ижодий мероси ёшларни ватанпарварлик, фидойилик, ҳалоллик, поклик каби фазилатлар руҳида тарбиялашдек эзгу мақсадларга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Буюк шоир таваллуд санасига бағишланган адабий тадбирлар Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятларда бўлиб ўтмоқда.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири
Сарвар Ўрмонов
(ЎЗА) олган суратлар

Халқимиз ҳаммиса комилликка интилиб, яхши ниятлар билан яшайди. Эл-юртга наф келтиришни оиласини мустаҳкам, ўз турмушини обод қилишдан бошлайди. Бу эзгу йўлда миллий қарашлар ва тутумларга суянади, бобомерос қудратдан куч олади.

КОМИЛЛИК МАНЗИЛИ

Фикрлар ва қадриятлар ўртасидаги қарама-қаршилик кескинлашаётган, глобаллашув шиддатидан ҳосил бўлган «оммавий маданият» ёш авлоднинг диди, тасавури ва дунёқаршига занг тушираётган бугунги кунда Алишер Навоийнинг бадийи закосига ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ эҳтиёж сезмоқдамиз. Шундай маънавий илдиэларга эгаллигимиз ва унга эҳтиёжимиз борлигининг ўзи бахтли, келажак буюк миллат эканлигидан далолатдир.

Вақт ўтган сари, қадриятлар эврилса-да, Алишер Навоий меросининг қуввати тобора ошиб, таъсир доираси янада кенгайиб бормоқда. Бунинг сабаби – улуг шоир ўз асарларида одам учун ҳаётнинг барча сўқмоғини эслатиб, инсоний камолотга элтадиган энг яқин ва тўғри йўللарни кўрсатганида ва буни юксак бадийи тил билан ифодалаганидир.

Ўз-ўзидан савол туғилади: Навоийнинг мангу орзуси ва ижодининг асосий мақсади бўлган комиллик йўли қандай ва унинг манзили қаерда?

Алишер Навоий комил инсонни, аввало, етук одоб-ахлоқ соҳиб деб билади. Илм ва ҳунар эгаллаган инсон «ҳунарини тупроққа олиб кетмай», балки юртдошлари манфаатлари учун фойдали ишларга сарфлаши лозимлигини таъкидлайди. Мутафаккир булут ўз сувларини экинлар униши учун сочгани туфайли гардунаноб бўлгани (юксакликка кўтарилгани) ва дўл дов-дарахтлар мевасига зарар етказгани учун қора тупроққа қорилгани ўртасидаги фарқдан ибрат олишга чақиради:

**Нафнинг агар халққа бешақдурор,
Билки, бу нафъ ўзунга кўпрақдурор.**

Комил инсон, Навоий наздида ҳам, ўз ҳаётдан маъно топган инсон. У бефарқ одам эмас, билас муттасил маънавий юксалиш йўлини тутган, ёвузликни аввало ўзида енгаётган инсондир. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас. Чунки баркамол инсонларгина эл оиласини – мамлакатни иллатлардан фориғ этади, ўз навбатида, мукаммал жамиятда комил авлод воёга етади.

«Хамса» дostonлари Навоий идеалидаги комил инсоннинг ноёб қўлланмасидир. Айтайлик, Фарҳод – комилликка меҳнат, ҳаётга муҳаббат ва илоҳий ишқ билан эришиш намунаси. Фарҳод сиймосида Сукрот «этиқоди, сулуқининг давомини кўрган»и каби Навоий ҳам бу образ воситасида ўз идеалидаги комил инсон тимсолини яратди. Фарҳод оиласи, қавмдошлари бахтли бўлмагунча, саодат нималигини билмаслигидан, ўзининг бор билим ва қудратини шу эзгу йўлда сарфлаганидан ибрат олишга чақиради.

(Давоми 3-бетда)

УКРАИНАЛИК МУТАХАССИСЛАР ЎЗБЕКИСТОНДАГИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎЗГАРИШЛАР ҲАҚИДА

Мамлакатимизнинг Киевдаги элчихонасида Ўзбекистонда «Обод турмуш йили» мавзусига бағишланган брифинг бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз барқарор тараққиёти ва юртимизда аҳоли фаровонлигини юксалтириш йўлида олиб борилаётган сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнларига доир атрофлича маълумотлар тадбир иштирокчиларининг эътиборига ҳавола қилинди.

Тадбирда сўзга чиққан Киев Сиёсий тадқиқотлар ва можароларни ўрганиш марказининг эксперти Антон Финько 2012 йилда мамлакатимиз кўлга киритган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларини юқори баҳолади.

«Ўзбекистонда ҳар бир йилни давлат сиёсатининг устувор мақсадларини амалга оширишга бағишланиши анъанага айлангани диққатга сазовордир, деди у. 2013 йилнинг «Обод турмуш йили», деб эълон қилиниши ҳам Ўзбекистонда кучли ижтимоий сиёсат олиб боришга ва мамлакатни ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилаётган жиддий эътибордан далолат беради. Маориф ва соғлиқни сақлаш сингари соҳалар ҳуқуматнинг ҳамон диққат марказида турибди, таълим ва тиббиёт муассасаларини барпо этиш ва реконструкция қилишга, кишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришга салмоқли ҳажмдаги маблағлар ажратилмоқдаки, буларнинг барчаси мамлакат маънавий ва иқтисодий тараққиётининг порлоқ келажакдан даракдир».

Британияда чоп этиладиган нуфузли нашрлардан бири - «The Economist» журнали 2011 йил сўнггида Ўзбекистоннинг 2012 йилдаги тараққиёти истиқболларини таҳлил қилар экан, мамлакатда ишлаб чиқарилган товарларга талабнинг ортиши ва

жаҳон бозорида унинг мавқеи мустаҳкамланиши башорат қилган эди, - деди ўз чиқишида фалсафа фанлари номзоди, Киев Сиёсий тадқиқотлар ва можароларни ўрганиш марказининг эксперти Денис Кириохин. - Ўзбекистоннинг 2012 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши яқунлари «The Economist» журналининг башоратлари тўғри эканлигини тасдиқлади.

Д.Кириохиннинг фикрича, ҳозир дунёнинг кўплаб мамлакатлари учун макроиқтисодий кўрсаткичларни фуқаролар фаровонлигини юксалтириш томон йўналтириш муҳим вазифа ҳисобланади. Кўп йиллардан буён Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотлар ва уларнинг натижалари мамлакатда ижтимоий масалалар, инсоннинг ҳаёти ва манфаатлари иқтисодий ўсишдан кўзланган асосий ва ўзгармас мақсад эканлигини тасдиқлайди. «Шу сабабли ҳам бугунги кунда Ўзбекистон ижтимоий соҳага йўналтирилган ва ривожланган бозор иқтисодиётига эга давлатлар сафидан мустаҳкам ўрин эгаллаган. 2013 йилнинг «Обод турмуш йили», деб эълон қилиниши эса ўзбек халқининг турмуш тарзи янада юксалишига хизмат қилиши шубҳасиздир», деди украиналик эксперт.

«Жаҳон» АА
Киев

ҚИСҚА САТРАЛДАР

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Тошкент Давлат педагогика университетидида «Барҳаёт ме-

рос» мавзусида адабий кеча бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** Учтепа туман ҳокимлигида Обод турмуш йилида амалга

ошириладиган вазифаларга бағишланган йиғилиш ўтказилди.

✓ **ҲАМЗА** туманидаги 69-мактабда «Умумтаълим мактабларида чет

тиллари ўқитилишини тақомиллаштириш: вазифалар ва муаммолар» мавзусида амалий семинар ўтказилди.



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Навоий шаҳридаги «Фарҳод» маданият саройида Алишер Навоий ижодий мероси ва унинг ёшлар таълим-тарбиясидаги ўрнига бағишланган республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти, Навоий давлат педагогика институти ҳамда вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари профессор-ўқитувчилари, шеърият мухлислари ва ёшлар иштирок этди.

• Андижон шаҳридаги Ёшлар марказида шаҳар прокуратураси, ички ишлар бўлими ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати худудий кенгаши ҳамкорлигида «Ёшлар – гиёҳвандлик, одам савдоси ва терроризмга қарши» шиори остида «Биз буюк юрт фарзандларимиз!» деб номланган ёшлар фестивали бўлиб ўтди.

• Зарафшон шаҳрида 48 хонадонга мўлжалланган кўп қаватли турар-жой биноси фойдаланишга топширилди. 1 миллиард 78 миллион сўмлик маблағ эвазига бунёд этилган ушбу муҳташам уйлارга Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли Марказий кон бошқармасида меҳнат қилаётган бир қатор ёш мутахассислар кўчиб ўтишди. Обод турмуш йилида ҳам шу каби хайрли ишлар давом эттирилиб, Зарафшонда учта, Учқудуқ туманида эса иккита кўп қаватли уй қурилиши режалаштирилган.

• Наманган шаҳридаги ипакни қайта ишлашга ихтисослаштирилган «Verigrow irag» масъулияти чекланган жамиятига Сингапурнинг «Verigrow PTE LTD» корхонаси томонидан 2,5 миллион АҚШ доллари ортиқ инвестиция киритилди. Ушбу маблағ корхонада кенг кўламли модернизация ишларини амалга оширишга йўналтирилди.

• Урганчлик тадбиркор Шерзод Бекчанов истеъмолчиларнинг талаб ва эҳтиёжларини ўрганиб, нон ва нон маҳсулотларини тайёрлашга ихтисослаштирилган «Жайхун Хоразм савдо» масъулияти чекланган жамиятини ташкил этди. Мазкур лойиҳани рўёбга чиқариш учун 150 миллион сўмлик маблағ сарфланиб, энг сўнгги русумдаги технология ўрнатилди. Шу билан бирга, корхона қошида тикувчилик цехи ҳам очилди. Ушбу хайрли ташаббус натижасида 20 киши муқим иш ўрнига эга бўлди.

ЖАҲОНДА

• АҚШнинг шимоли-шарқий худудларида кучли қор бўронлари туфайли маҳаллий аэропортларда 1,5 мингга яқин рейс бекор қилинди. Вазият айниқса, Нью-Йорк, Бостон, Чикаго штатларида анча оғир. Бу ерларда қорнинг қалинлиги ўртача 30, айрим жойларда эса ҳатто 50 сантиметргача етган. Бостон штатида эса барча мактаблар ёпиб қўйилди.

• Берлинда анъанавий халқаро кинофестиваль бошланди. Мазкур нуфузли санъат анжуманида 19 та фильм намойиш этилмоқда. Улар орасида ўтган йили суратга олинб, жаҳон миқёсида мухлислар эътиборини қозонган «Кўчки хукмдори», «Тунги поезд Лиссабонгача», «Ярим тун олдидан», «Кўшимча таъсирлар» каби киноасарлар бор. Халқаро кинофестивальнинг голиб ва совринари фотири 17 февраль куни эълон қилинади.

• Украинанинг Ивано-Франковск вилояти Коломия шаҳрида истиқомат қилувчи Алексей Гуцуляк энгил кийим кийган кишининг қор уюми остида узок бўлиш юзасидан рекордни янгилашга муваффақ бўлди. Гуцуляк қор уюмига кўмилган ҳолда 1 соат 20 дақиқа тура олди ва бу борада японлар томонидан ўрнатилган рекордни йиғирма дақиқага янгилади. Маълумотларга кўра, Коломияда ўрнатилган ушбу рекорд Гиннеснинг рекордлар китобига киритиш учун даъвогарлик қилмоқда.

2013 йил — Обод турмуш йили

МАИШИЙ ЖИҲОЗЛАР — ХОНАДОНЛАР ФАЙЗИ

Мамлакатимизда аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ҳар йили минглаб оилалар янги уй-жойга эга бўлиб, уни замонавий маиший техникалар ва мебеллар билан жиҳозлаётди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 17 апрелда қабул қилинган «Оилаларнинг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим омил бўлаётди.

Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида «Ипотекабанк» томонидан жисмоний шахсларга уй-рўзгор техникаси харид қилиш ва турли хизматлардан фойдаланиш учун имтиёзли шартлар асосида истеъмол кредитлари ажратилмоқда.

Банкнинг матбуот хизматидан маълум қилишларича, 2012 йилда қарийб олти минг оиланинг истеъмол кредитига оид мурожаати қаноатлантирилган. Ажратилган 34 миллиард сўмлик сармоя эвазига қўллаб оилалар турли хилдаги уй жиҳозлари ва техника воситаларига эга бўлган.

Мамлакатимизда оилалар фаровонлиги учун яратилаётган имкониятлардан руҳланиб, банкча мурожаат қилди, дейди ЎЗА мухбирига тошкентлик Санобар Султонова. — Кредитни расмийлаштириш учун кўп вақт кетмади. Бунда

тақдим этиладиган ҳужжатларнинг анча содда-лаштирилгани қўл келди. Қарийб уч миллион сўмлик сармоя эвазига юртимизда ишлаб чиқарилаётган «Artel» телевизори ва газ плитасини харид қилдик. Улар билан уйимиз янада файзли бўлди.

Аҳоли даромадларининг ўсиши истеъмол кредитларига бўлган талабни янада оширмоқда. Бу талабни ҳисобга олиб, мамлакатимизда самарали кредитлаш тизими ишлаб чиқилган. Унга мувофиқ, тижорат банклари ёш оилаларга узоқ муддат фойдаланиладиган, ўзимизда ишлаб чиқариладиган истеъмол товарлари харид қилиш учун энг кам иш ҳақининг икки юз баробари миқдорига уч йилгача бўлган муддатда кредитлар ажратмоқда. Кредитни қайтариш бўйича имтиёзли давр 6 ойдан 1 йилга узайтирилган. Бу ёш оилалар турмуш фаровонлигини юксалтиришда муҳим ўрин тутмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан Обод турмуш йили деб эълон қилинган жорий йилда халқимизнинг ҳаёт сифати ва даражасини юксалтириш, уй бекаларининг оғирини енгил қилишга қаратилган бундай ишлар кўламини янада кенгаймоқда.

Сайёра ШОЕВА

Пойтахтимизда Ўзбекистон Лизинг берувчилар уюшмасининг 2012 йил якунлари ва галдаги вазифаларга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

ЛИЗИНГ ХИЗМАТЛАРИГА ТАЛАБ ОРТМОҚДА

Дунё амалиётида лизинг энг кенг тарқалган фаолият тури ҳисобланади ва унинг кўлами йилдан йилга кенгайиб бормоқда. Бу, аввало, технологияларнинг жадал ривожланиши билан боғлиқ. Лизинг битимлари туфайли уларни тезкорлик билан амалиётга татбиқ қилиш, инвестицияларни киритиш имконияти туғилмоқда.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда лизинг хизматлари кўрсатишнинг ҳажми ҳамда лизинг компанияларининг иқтисодийнинг турли тармоқларидаги ҳиссаси ортиб бормоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 21 майдаги «Ўзбекистон Республикасида лизинг хизматларини янада ривожлантириш ва тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, яратиб берилаётган солиқ имтиёзлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лизингга бўлган қизиқиши ортиб бориши ҳамда мустақкам қонунчилик базаси соҳанинг жадал ривожланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Лизинг берувчилар уюшмаси бош директори З.Мустафоевнинг таъкидлашича, 2012 йилда мамлакатимиз лизинг хизматлари бозорига 99 нафар лизинг берувчи самарали фаолият юритган. Улар томонидан умумий миқдори 590 миллиард сўмдан ортиқ бўлган 7 мингдан кўп лизинг битимлари имзоланган.

Таъкидлаш жоизки, бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 22 фоиздан зиёдга ошган. Ҳисобот даврида лизинг операциялари умумий портфели 1 триллион 297 миллиард сўмни ташкил қилган.

Экспертларнинг фикрича, яратилган қулай қонунчилик базаси, мамлакатдаги барқарор иқтисодий ўсиш ва лизинг берувчиларнинг фаоллиги Ўзбекистонда лизинг хизматлари янада ривожланишида муҳим ўрин тутди.

Меҳрибон МАМЕТОВА,
ЎЗА мухбири



Тошкент аэропорти дунё мамлакатлари нигоҳида ҳам юқори нуфузга эга

ЗАМОНАВИЙ-ТЕХНИКАЛАР ВОСИТАСИДА

Айнан бу ерда замонавий тегиримондан фойдаланиш йўлга қўйилди. Унинг ёрдамида ҳар кун 130 тоннадан маҳсулот ишлаб чиқаришга эришиш мумкин. Омукта ем тайёрлаш ҳам ривож топмоқда. Ун ишлаб чиқариш ҳам кенг йўлга қўйилди.

Мукамал технологик схемаларга эга бўлган боис тегиримонлар иши самарали бўлиб, фортификация қилинган урни тайёрлаш имконини бераётди. Ҳозир жамиятнинг «Чиноз дон» филиалидаги уруғ

«Тошкент дон маҳсулотлари» очик акциядорлик жамияти учун ўтган йил айниқса самарали бўлди. Корхонанинг «Тошкент гуруч» филиали эришган ютуқлар ҳам талайгина.

тозалаш цехлари Германиянинг «Петкус» қурилмалари билан жиҳозланган. Бу эса филиалда бир кунда 200 тонна уруғлик донни саралаш қувватини таъминлаш имконини берди. Цехлар янги техно-

логия асосида жиҳозланди. Уларда кунига уч тоннагача дон ва дон маҳсулотлари тайёрланмоқда. 12 турдаги дон ва дон маҳсулотлари аҳолига етказиб берилмоқда.

Акбар АЛИЕВ

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мақсади чуқур билим ва мустақил фикрга эга, замонавий технологияларни пухта эгаллаган, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топган ёшларни вояга етказишдан иборатдир. Ислохотларнинг сифати ва самарадорлиги кўп жиҳатдан ўқув дастурлари, дарслик ва қўлланмаларнинг мазмунига боғлиқ. Шу боис мамлакатимизда таълим стандартларини такомиллаштириш, сифатини яхшилаш ва мазмунан бойитишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА мухбири Республика таълим маркази директори, педагогика фанлари номзоди Ислам ЗОКИРОВ билан ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишлар ҳусусида суҳбатлашди.

Мамлакатимиз таълим тизимида замон талабларига жавоб берадиган янги авлод дарсликларини яратишнинг ўзига хос механизми шаклланди, — дейди И.Зокиров. — Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 31 майдаги «Умумтаълим мактаблари ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори бу борадаги ишларда муҳим омил бўлмоқда.

Президентимизнинг ушбу қарорига мувофиқ ҳар бир дарслик аввал муаллифлар, сўнгра бошқа қўллаб-қувватлашчи иштирокида ўқувчиларнинг ҳақиқатда ўқув-методик мажмуалар танлови асосида саралана олинмоқда. Дарсликларни яратишга етук олимлар, тажрибали ўқитувчилар, услубчилар, миллий ва хорижий экспертлар кенг жалб этилмоқда. Уларнинг олдига йиғирмадан кўпроқ талаб қўйилди. Яъни, яратилажак дарслик давлат таълим стандартлари ҳамда ўқув дастурларига мос бўлиши, ўқувчининг ёш хусусиятларига, психологик-физиологик ҳолатлари, ёшларнинг маънавиятини шакллантириш ва мустақамлаш, фанлараро узвийликни таъминлаш каби жиҳатлар эътиборга олинши лозим.

Саралаш ва танловлардан муваффақиятли ўтган дарслик ҳамда ўқув қўлланмаларини чоп этиш учун нашриётлар ва босмахоналар ўртасида тендер ўтказилади. Бунда қўлланманинг сифати, бежиримлиги, чидамлилиги, экологик соф маҳсулотдан тайёрланиши, дизайни, нархи эътиборга олинди.

Чоп этилган дарсликларни мактаб кутубхонасига етказиб беришнинг ҳам узлуқсиз тизими яратилган. Бугун ота-оналарга, ўқувчиларга қулайликлар яратиш мақсадида мактабларимизга дарсликлар ижара асосида етказиб берилмоқда.

Бундан ташқари, ҳар йили дарсликларнинг ўн беш фоизи мактаб кутубхоналари фондига бепул етказиб берилади. Улар ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларига имтиёзли асосда тақдим этилади. Махсус мактаблар ва Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига эса бепул берилади.

Ёшларимизнинг билим ва дунёқарашини замон билан ҳамнафас ривожлантириш — давр талаби. Қолаверса, китоблар вақт ўтиши билан эскириб, яроқсиз ҳолга келиши мумкин. Бу дарсликларни доимий янгиллаб, такомиллаштириб боришни тақозо этади.

Кейинги йилларда йиғирмадан кўпроқ фан бўйича ўқув дастурлари оптималлаштирилди. Қайта нашрга таъмин

ган дарслик ҳамда ўқув қўлланмалари оптималлашган ўқув дастурлари асосида бойитилиб, жаҳон андозаларига мос ҳолда янгидан чоп этилмоқда.

— Илгари мактабларимизда дарслик танқислиги кузатилади, баъзи фанларга оид китоблар фақат ўқитувчиларда бўлар эди. Бугун ўқувчиларнинг дарсликлар билан таъминланиш даражаси қандай?

— Ҳақиқатан ҳам, илгари дарслик таъминоти жиддий муаммо эди. Бугун дарсликларга бюуртма тизими ластдан юқорига принципи асосида шакллантирилган самарасида вазиат бутунлай ўзгарган. Яъни, ҳар бир мактаб маъмурияти ўз ҳудудида 1-синфга қабул қилинадиган болалар ҳамда 2-9-синф ўқувчилари сонидан келиб чиқиб, туман (шаҳар) халқ

Қарор ва ижро

БИЛИМ ВА МАЪНАВИЯТНИНГ МУСТАҲҚАМ АСОСИ

таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари, улар эса вилоят халқ таълими бошқармаларига бюуртма беради. Ҳудудлардан олинган маълумотлар Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигида умумлаштирилиб, дарсликлар ишлаб чиқариш ҳажми белгиланади. Бунда қўшимча захира шакллантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Шу жараёнда жойлардаги мактаб маъмуриятлари ишни тўғри ташкил этса, дарслик таъминотида муаммо бўлмайди. Аммо, баъзида мактаб раҳбарларининг масъулиятсизлиги туфайли битта синф учун дарсликка бюуртма бериб, иккита синф қабул қиладиган ҳолатлар ҳам учрайди. Қўрилаётган чора-тадбирлар туфайли бундай ноаниқликларга барҳам берилмоқда ва дарслик таъминоти масаласида юқори самарадорликка эришилмоқда.

Ҳозирги кунда умумтаълим мактаблари учун даврийлик асосида етти тилда 1013 номда дарслик чоп этилмоқда ва жойларга етказилмоқда. Масалан,

1-синф ўқувчиларига ҳар йили Президент совғаси сифатида тўққиз номдаги дарслик ва ўн икки номдаги ўқув қуроллари бепул таъминланади. Алифбо, ўқиш китоби, она тили, математика, таърихий санъат, мусика, атрофимиздаги олам ва одобнома фанларидан яратилган дарсликлар мазмун,

«Камолот»

ИНТЕРФАОЛ УСЛУБДАГИ СЕМИНАР

«Камолот» ЁИХ Чилонзор туман Кенгаши ташаббуси билан Республика Олимпия заҳиралари коллежи ҳамда Тошкент юридик коллежи талабалар турар жойларида «Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз» лойиҳаси доирасида ОИТС ва ОИВ касалликларини олдини олишга қаратилган семинар ташкил этилди.

Семинар давомида лойиҳа тарғиботчилари ўқувчи-ёшларга ОИТС ва ОИВ касалликларининг келиб чиқиш сабаблари ва ҳасталик тарихи бўйича маълумот берилди. Ўз ўрнида ёшлар ўзларини қизиқтирган саволлари билан мурожаат этиб, соҳа ходимларидан маълумотлар олишди.

Қизгин баҳс ва мунозаралар асосида ташкил этилган семинарда интерфаол услубда тингловчилар ақлий ва жисмоний фаолиятларини ривожлантирувчи ўйинлар ташкил этилди.

Ёшларнинг мавзу юзасидан ўрганган билимларини аниқлаш ва мустақкамлаш мақсадида тест синови ҳам уюштирилди.

Февраль ойининг охирига қадар ташкил этиладиган тарғибот ойлигида вояга етмаган ёшларнинг ўқув машғулотларидан кейинги бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ҳамда уларни турли хилдаги салбий иллатлардан асраш, соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш масалаларига асосий эътибор қаратилади.

ҲАБИБА ЙҮЛДОШЕВА

Ҳамкорлик

ТИЛ БИЛИМДОНЛАРИ

Ўзбекистон билан Чехия мамлакатлари ўртасида ўзаро яқин ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган. Чех тилини ўрганишга бўлган қизиқиш республикамизда ортиб бораётганининг боиси ана шундан.

Ўзбекистон Миллий университети хорижий филология факультети ҳузурда лингвистик тўғаракнинг фаолият бошлагани ҳам айна мудида бўлди. Чех тилини ўргатиш мақсадида ушбу тўғаракнинг ўқув дастури тайёрланди.

Тўғарак аъзолари чех халқининг бой тилини ўзлаштириш билан боғлиқ машғулотларга қатнашиб, унинг фонетикаси, грамматикаси, лексикологияси билан яқиндан танишмоқдалар. Бунда чех тили бўйича замонавий дарсликлар қўл келмоқда. Оммабоп адабиётларда келтирилган машқлардан ҳам фойдаланилмоқда.

Тўғарак фаолияти кафедра ва университет томонидан ижобий баҳоланди. Айни вақтда Чехия мамлакатининг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан ҳам эътироф қилинди.

Яна шуни айтиш жоизки, талабалардан бир неча нафари ушбу мамлакатда сафарда бўлиб, чех тилини пухта ўзлаштирганликларини намойиш қилишди.

Аҳмад ОБИДОВ

ЯНГИ ТЕЛЕКАНАЛДА ЯНГИ КЎРСАТУВ

Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг янги «Маданият ва маърифат» каналида умумтаълим мактабларининг 4-5-синф ўқувчилари учун «Инглиз тили дарслари» теле-машғулотни намойиш этилади. ZiyoNet тармоғи ходимлари ва телеканал вакиллари иштирокида ўтказилган мулоқот шу мавзуга бағишланди.

Давра суҳбатида ёшларга хорижий тилни ўрганиш бўйича кенг имкониятлар яратиб берадиган теле-машғулотни тайёрлаш ҳамда эфирга узатишда зарур бўлган қўлланмалар, жиҳоз ва технологиялар билан таъминлаш масалалари муҳокама этилди.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистонда 2013 йил арафасида «Маданият ва маърифат» ва «Дунё бўйлаб» деб номланган янги иккита телеканал рақамли режимда иш бошлаган эди. Бу каналлар «Наврўз» умумхалқ байрами арафасида тўлиқ масштабда туну кун давомида ишлаб бошлайди.

«Маданият ва маърифат» канали асосан ёшларга мўлжалланган бўлиб, унда Ватанимизнинг тарихи, маданияти, дунё цивилизацияси ривожига ҳисса қўшган ота-бобларимиз, буюк фан, маданият ва санъат арбоблари ҳақидаги кўрсатувлар, ушбу соҳалардаги янгилıklar томошабинлар эътиборига ҳавола этилади.

«Туркистон-пресс»

Баҳор ХИДИРОВА
суҳбатлашди

Алишер Навоий таваллудининг 572 йиллигига



(Давоми. Боши 1-бетда)

XIII асрда яшаб ўтган ва комил инсон таълимоти намояндalarидан бўлган Азизиддин Насафийнинг фикрича, эзгу сўз, эзгу иш, эзгу хулқ ва маърифатга эга кишигина комил инсон деб аталашга муносибдир.

Нафс амрида ҳар нечаким толингайсен, Кўп гарчи бутунлик тиласанг, сингайсен.

Ком иста-ю, неча элга ёлнгайсен, Нафсинга хилоф айлаким, тингайсен.

Алишер Навоий ҳам барча буюк мутафаккирлар каби ота-она ва фарзанд ўртасида узлуксиз маънавий боғлиқлик бўлиши лозимлигини таъкидлайди.

КОМИЛЛИК МАНЗИЛИ

Иста ато йўлида жон фидо қилмоқ, Куллуқ анога ҳам улча имкон қилмоқ, Зухри абад истасанг фаровон қилмоқ, Бил они ота-онага эҳсон қилмоқ.

Яъни, бу дунёда номинг абадий қолишини — «зухри абад» (абадийлик захираси)га эга бўлишни истасанг, аввало, ота-онанга эҳсон қил, дейди.

Ҳар кимки, чучук сўз элга изҳор айлар, Ҳар нечаки ағёрдурур, ёр айлар, Сўз қаттиги эл кўнглини озор айлар, Юмшоғи кўнгилларни гирифтор айлар.

Эртанги кундан умиди бор инсон ободликка интилади. Алишер Навоий тарғиботи бўлиб, шаҳарларни ижоднинг янги қирралари билан танишибгина қолмай, у зотнинг ўз замонасининг етук талвини ўз ичига олади.

Тошкент Автомобиль йўллар институтига Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгаши, «Ўзбекистон — Қирғизистон» дўстлик жамияти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурдаги Қўдалот нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди ҳамкорлигида буюк мутафаккир, газал мулкининг султони Мир Алишер Навоий таваллудининг 572 йиллигига бағишланган «Аждодлар меросини ўрганиш — соғлом оила мезони» мавзусида анжуман ўтказилди.

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИДА МАЪРИФИЙ ТАДБИР

Ушбу тадбирни Тошкент автомобиль йўллар институти ректори, «Ўзбекистон — Қирғизистон» дўстлик жамияти раиси М. Иброҳимов иштирокида ўтказилди.

аъсоси М. Юнусхўжаева «Ёшлар тарбиясида — аждодлар меросининг ўрни» мавзуларида маъруза қилиб, мустаҳкам оиланинг юрт ободлигидаги ўрни, аждодлар мероси, айниқса, буюк мутафаккир Алишер Навоий ҳикматларининг ёшлар тарбиясидаги аҳамияти хусусида батафсил фикр юритдилар.

да яқиндан танишдилар. Ёшлар ушбу маърифий тадбир орқали Навоий серкирра ижодининг янги қирралари билан танишибгина қолмай, у зотнинг ўз замонасининг етук талвини ўз ичига олади.

Даврон НУРМАТОВ

БАРҲАЁТ СИЙМОЛАР

Буюк алломаларимиз Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларидаги эзгу ғоялар асрлар оша инсонларни комилликка етаклаб келмоқда.

Тошкент тиббиёт академиясида Республика Маънавият тарғибот маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган «Барҳаёт сиймолар» деб номланган маърифий тадбирда ушбу мумтоз шоирлар ижоди ҳақида сўз юритилди.

Ютуқларга эришилаётганини таъкидлади. Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарлари маънавий теранлиги ҳақида баъдий юксаклиги билан башариёт мулкига айланган. Улардаги эзгу ғоялардан ёшларимизни баҳраманд этиш, йигит-қизларни буюк аждодларимиз меросига юксак эҳтиром руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилаётган.

(ЎзА)

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ очик аукцион савдоларига таклиф этади!

Саноат корхонаси «Корхона бош энергетикнинг биринчи ўринбосари» лавозимига ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ: Даввогарга қўйиладиган талаблар: соҳа бўйича олий маълумот, муҳандис-техник ва раҳбарлик лавозимларида ишлаш бўйича — камида 5 йиллик тажрибага эга бўлиши, хавфсизлик бўйича рухсат берилган гуруҳи — бешинчидан наст бўлмаслиги керак. Иш ҳақи — суҳбатлашиш якуни бўйича белгиланади.

«Respublika mulk markazi» ЁАЖ Toshkent mintaqaviy filiali бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

«GM Uzbekistan» ЁАЖ компаниясининг расмий дилери «Хумо Автосавдо» МЧЖ эркин равишда 2013 йил учун автомобиль нархидан 85% олдиндан аванс тўлови қабул қилган ҳолда қўйидаги автомобиль моделларига: SOVALT, LACETTI (III-поз), SARTIVA ва MALIBUга шартнома бermoқда.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТАЛАБГОРЛАРНИ КЎЙИДАГИ БЎШ ИШ ЎРИНЛАРИГА ИШГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ. Жамият марказий идорасида (Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1а-уй):

ТАЛАБГОРЛАРНИ КЎЙИДАГИ БЎШ ИШ ЎРИНЛАРИГА ИШГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ. Жамият марказий идорасида (Олмазор тумани, Қорақамиш-1 кўчаси, 1а-уй):

Тошкент вилоят филиалида (Келес шаҳарчаси, К.Ғофуров кўчаси, 4-уй):

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ очик аукцион савдоларига таклиф этади!

«GM Uzbekistan» ЁАЖ компаниясининг расмий дилери «Хумо Автосавдо» МЧЖ эркин равишда 2013 йил учун автомобиль нархидан 85% олдиндан аванс тўлови қабул қилган ҳолда қўйидаги автомобиль моделларига: SOVALT, LACETTI (III-поз), SARTIVA ва MALIBUга шартнома бermoқда.

Спорт янгиликлари

БОКС
МАКТАБИ
ЯНГИ
БИНОДА

Пойтахтимизда 8-ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар олимпия заҳиралари бокс мактабининг янги биноси фойдаланишга топширилди.



Мухаммад Аъин (ўрта) олган сурат

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида болалар спортини ривожлантириш мақсадида замонавий спорт мажмуаларининг барпо этилаётгани ёш авлодни жисмонан ва маънан баркамол этиб тарбиялашга хизмат қилаётир. Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 29 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бу борада муҳим дастуруламал бўлаётир.

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали томонидан қуриб, фойдаланишга топширилган ушбу бино ёш спортчиларга катта совға бўлди.

Бокс мактабининг янги биносида машғулотларни юқори савияда ташкил этиш, шаҳар ва республика миқёсидаги мусобақаларни ўтказиш учун барча имкониятлар бор, — дейди мазкур мактаб директори Бехзод Хидиров. — Зарур

жиҳозлар билан таъминланган тренажёр зали, ёзги футбол майдони, тиббиёт, кийим алмаштириш ва ювиниш хоналари — барчаси спортчиларимиз ихтиёрига берилган.

Бугунги кунда 8-ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар олимпия заҳиралари бокс мактабиди 500 нафардан зиёд спортчи шуғулланмоқда. Улар орасида республика чемпионатларида ғолиб бўлган, терма жамоа сафидан жой олган истеъдодли ёш боксчилар кўп.

— Уч йилдан бери бокс билан шуғулланаман, — дейди Ўзбекистон чемпиони Бехруз Мадаминов. — Ҳозир мамлакатимиз ўсмирлар терма жамоаси сафида халқаро мусобақаларга тайёргарлик кўраялман. Мактабимизнинг замонавий, янги биносида яратилган шароитлар юқсак мақсадларга эришишимизда катта омил бўлади.

Байрам АЙТМУРОВО,
ЎЗА мухбири

Жорий йилги футбол мавсумида фақат Ўзбекистон чемпиони бўлишга астойдил интилаётган Миржалол Қосимов бош мураббийлигидаги «Бунёдкор» жамоаси БААда ўқув-йиғин машғулотларини ўтказгани кўпчиликка маълум, албатта.

ЎРТОҚЛИК БАҲСИ

БАА ашил майдонларида кунига икки маҳалдан ўқув-йиғин машғулотларида иштирок этган «Бунёдкор» жамоаси назорат-ўртоқлик учрашувларида ҳам майдонга тушди.

Айниқса Москванинг «Спартак» жамоаси билан «Бунёдкор» командаси ўртасида уюштирил-

ган баҳс тошкентлик футболчилар учун ўзига хос маҳорат мактаби бўлди. Мурасосиз ва шиддатли курашлар остида кечган беллашув 2:1 ҳисобида москвалик футболчиларнинг ғалабаси билан якунланди. «Бунёдкор» дан рақиблар дарвозасига голни Лутфулла Тўраев киритди.


РЕЙТИНГ НАТИЖАЛАРИ

Ўзбекистон шахмат федерацияси Халқаро шахмат федерацияси — ФИДЕ ҳамкорлигида мамлакатимиз шахматчиларининг 2013 йилдаги дастлабки рейтинг жадвали натижаларини эълон қилди.

Рейтинг жадвали якунларига кўра 17-жаҳон чемпиони, халқаро гроссмейстер Рустам Қосимжонов биринчи ўринни эгаллади.

Шахмат бўйича Осиё чемпиони, халқаро гроссмейстер Антон Филиппов рейтингда иккинчи ўринга лойиқ кўрилди. Шунингдек, хотин-қизлар орасида ўтказилган рейтинг жадвалида халқаро гроссмейстер Нафиса Мўминова карвонбошилиқ қилмоқда.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ



МАШРИҚЗАМИН —
ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Бир текисдаги режали меҳнат охир-оқибат кишини мақсадига еткази.

* * *

Тафаккур одами мутаассиб бўлмайди.

* * *

Шахсиятга кўп нарса боғлиқ.

* * *

Кўнгли тор одам узоққа боролмайди — ўзини ўзи адо қилади.

* * *

Ўзини оқлашга ҳамма ҳам устаси фаранг.

* * *

Зўр келганда бир йилда битмаган иш бир кунда битади.

* * *

Иккилангандан таваккал қилган яхши.

* * *

Бировни аҳмоқ қилган аслида ўзининг аҳмоқлигини кўрсатган бўлади.

* * *

Режали иш бежогли.

* * *

Чўллар ошиб, тоғлар ошиб ҳам куп-куруқ келиш мумкин.

* * *

Бировни айблаш ўзини оқлашдир.

* * *

Ҳеч кими йўққа ҳам мерос топилади.

* * *

Қадамнинг ўлчовини бошқалардан сўра.

* * *

Айбларингни билмоқчимсан, бошқаларга кулоқ тут.

* * *

Ҳаёт сабоқларининг товони бор.

* * *

Яхшининг қадрига етмагanning кунни ёмонга қолади.

* * *

Меҳнатнинг роҳати бўлмаса ҳам самараси бўлади.

* * *

Кўлидан иш келадиган киши кўчада қолмайди.

* * *

Ўғрининг тўғриси йўқ.

* * *

Бизга боғлиқ бўлмаган ҳисоб-китоблар борлигини ҳамма ҳам англаб етавермайди.

(Давоми бор)

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

«ШАШМАҚОМ» ЖОНЛИ
ИЖРО ЭТИЛАДИ

Ўзбекистон миллий санъат галереясида «Шашмақом» жонли ижро этилади. Мазкур тадбир Ҳусниддин Атонинг буюк шоир Алишер Навоий таваллудининг 572 йиллигига бағишланган «Шашмақом кўрғазмаси» лойиҳаси асосида ташкил этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги матбуот хизматининг хабарига кўра, «Шашмақом» макомлари галереянинг олтинчи залида Азамат Эргашев, Феруза Очилова, Илём Арабов, Зиёдjon Рўзимов, Шавкат Матёкубов каби профессионал созанда ва хонандалар томонидан, бадиий раҳбар Абдор Зуфаров бошчилигида ижро этилади. Томошабинлар галереядаги амалий санъат намуналарини кўриш баробарида «Шашмақом»нинг олти қисмида 5-7 дақиқали ижролари 5 дақиқали танефус билан тинглаш имкониятига эга бўлишади.

Манбаларга кўра, «Шашмақом»нинг сўнги шакли XVIII асрда яратилган бўлиб, унинг таркибидидаги ҳар бир мақом ўзига хос миллий мусиқа асбоблари

ижросидаги вокал қисмлардан ташкил топади. Бу асар нафақат куйлар, балки оҳанг, ритм ва ички руҳий кечинмалар уйғунлигидир. «Шашмақом»ни машхур санъаткорлар Ю.Ражабий, Д.Ибодов, М.Тошпўлатов ва М.Толмасовлар маҳорат билан ижро этишган.

Мазкур мусиқий асар ўзининг яхлит мусиқий ва юқсак эстетик бадиий концепциясидан ташқари, фалсафий-ахлоқий тарбиявий аҳамиятга ҳам эга.

Асосийси, «Шашмақом» куйлари тингловчининг яратувчанлик, ижодкорлик фаолиятига руҳлантиради, беморларнинг руҳиятини тинчлантиради ва шу йўл билан даволайди ҳамда инсонни тетиклаштириб, унга куч-қувват бағишлайди.

Манзура БЕКЧОНОВА,
«Туркистон-пресс»

Маълумки, мамлакатимизда амалдаги тартибларга мувофиқ, республикамизда резидентларга 2000 АҚШ доллари эквивалентидаги нақд хорижий валютани божхона баённомасида ёзма қайд этиш шарти билан эркин олиб чиқиш кетишлари рухсат этилади. Бундан ортиқ миқдордаги нақд валюталарни олиб чиқиш учун эса ваколатли банклар ёки Марказий банкнинг ўрнатилган тартибдаги рухсатномаси талаб этилади. Юртимиздан чиқиш кетаётган хорижий фуқаролар эса кириш чоғида олиб кирган нақд валюталари миқдорига тенг валютани олиб чиқиш кетишлари мумкин.

Мазкур тартиб ҳақида батафсил эъланлар барча божхона постларининг баённомаларни тўлдирish устунларига ўзбек, рус ва инглиз тилларида ёзиб қўйилган. Афсуски, сафарга отланган юртдошларимиз ва хорижийликлар томонидан нақд хорижий валюталарнинг ноқонуний олиб чиқиши билан боғлиқ бир қатор ҳолатлар учраб турибди.

«Тошкент-Аэро» ихтисослаштирилган божхона мажмуаси ходимлари томонидан шу турдаги бир неча қонунбузарлик ҳолатлари аниқланди. Жумладан, Дубайга йўл олган пайтида маълум қилишни гўёки унутиб қўйибди. Москва шаҳрига йўл олган С.Кравченко эса оз эмас - кўп эмас 14 минг 900 АҚШ долларини чўнтақларига жойлашганча олиб чиқишга уринган пайтда божхоначилар томонидан тўхтаб қолинди.

ҚОНУНБУЗАРЛИКНИНГ
ОЛДИ ОЛИНМОҚДА

Шунингдек, самарқандлик Б.Улуғмуродов эса Тель-Авивга парвози олдидан курткасининг чўнтақларида «пайдо» бўлиб қолган 4300 АҚШ долларини кўриб «ёқасини ушлади». «Тошкент — Москва» рейси олдидан божхона назорати чоғида наманганлик Р.Ақбаралиев қўл юкла-ри орасига яширилган 5400 АҚШ доллари ҳақида божхона баённомасида ва озгача сўров пайтида маълум қилишни гўёки унутиб қўйибди. Москва шаҳрига йўл олган С.Кравченко эса оз эмас - кўп эмас 14 минг 900 АҚШ долларини чўнтақларига жойлашганча олиб чиқишга уринган пайтда божхоначилар томонидан тўхтаб қолинди.

Ҳозирда юқоридаги ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

«Тошкент-Аэро» ихтисослаштирилган божхона мажмуаси ахборот хизматининг хабар беришича, ўтган 2012 йилда «Тошкент-Аэро» ИБК ходимлари томонидан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда аниқланган 268 та қонунбузарлик ҳолатларида салкам 907 миллион сўм эквивалентдаги нақд хорижий валюталарнинг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилган.

Фармонбек МАТНАЗАРОВ

Болаларда шайтонлаш хуружлари тиббиёт соҳасида кенг тарқалган касалликлардан бири ҳисобланиб, педиатрия ва неврология соҳасида долзарб муаммолардан саналади. Ушбу хасталикка чалинганларнинг деярли 85 фоизини асосан 3 ойдан 5 ёшгача бўлган болалар ташкил қилади.

Статистик маълумотлар ва илмий-тадқиқот натижалари шу кунгача халқаро миқёсда шайтонлаш ҳолати даражаси, айниқса, кўкрак ёшидаги болаларда нафақат сакланиб қолаётганлиги, балки айрим ҳолларда кўпайишидан далолат бермоқда. Бу эса ўз навбатида анте ва перинатал давридаги нобол омилларнинг, нейроинфекция ва жароҳатларнинг кўпайиши, ОРВИ, интоксикация ва бошқа хасталиклар орқали болалар организми иммунитетининг пасайиши билан боғлиқдир.

Халқаро Соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларида бош мия жароҳатланиши йилга 2 фоизга кўпайиб бораётганлиги ва 27 фоиз ҳолатларда шайтонлашга сабаб бўлаётганлиги кўрсатилган. Халқаро миқёсда узоқ йиллар давомида мунтазам ва муваффақиятли олиб борилаётган чуқур илмий текширувлар натижасида, болалар неврологиясида катта ютуқларга эришилган бўлса, аммо болаларда шайтонлаш ҳолатлари ва хуружларининг этиологияси, патогенетик сабаблари, трансформация ва ривожланиш механизмлари, тезкор даволаш ҳамда унинг олдини олиш масалалари актуал муаммо ва устувор илмий йўналишлардан бири бўлиб келмоқда. Бу муаммо нафақат тиббиёт учун, балки жамиятда жисмоний соғлом, бақувват ва баркамол авлодни тарбиялашда, унинг ҳар томонлама камол топи-

шида муҳим ижтимоий аҳамият касб этишини ҳам кидлаб ўтиш лозим.

Замонавий илмий-назарий ютуқларга қараганда, ҳозирда шайтонлаш хуружининг иккита асосий ме-

Мутахассис маслаҳати

ШИФОКОРЛАР ТАВСИЯЛАРИГА
РИОЯ ҚИЛИНГ

ханизмининг қайд этиш лозим. Биринчи механизмига кўра, шайтонлаш хуружи кучли таъсирчан омилнинг таъсири натижасида мияда нормал кўзгалувчанлик бўлган ҳолатда содир бўлади. Иккинчи механизмига кўра, шайтонлаш хуружи миянинг патологик юқори кўзгалувчанлик ҳолатида, кучсиз таъсирчанлик омили таъсири натижасида рўй беради. Шайтонлаш хуружларнинг 85 фоизини фебрил шайтонлаш ташкил қилади. У асосан тана ҳароратининг кўтарилиши даврида айнан 38, 5-40° С даража оралигида рўй беради. Бу гипертермик ҳолат деб ҳам номланади. Маълумотларга қараганда бу ҳолат инфекцияга нисба-


тан иммунитетнинг камлиги ва пирогенлар таъсирида кучли реакция рўй бериши натижасидир. Баъзи беморларда хуруждан сўнг қарахлик, уйқучанлик ҳолатлари кузатилиши мумкин. Шайтонлаш хуружи кузатилганда тезкор ёрдам сифатида куйидаги тадбирларни амалга ошириш тавсия этилади: ваҳимага тушмаслик, беморларнинг ёқасини ечиш, уни тор кийимдан холи қилиш, болани ёнбоши билан ётқизиш ва бошини танага нисбатан пастроқ тушириш, ҳар хил нарсалар билан жағини очмаслик, тана ҳароратини аниқлаш, хуруж кечиниши эътибор билан кузатиш, оғзидан ҳеч қандай дори ва суюқликларни юбормаслик.

Болаларда шайтонлаш хуружлари аниқланганда куйидаги тадбирлар ўтказилиши шарт: невропатолог маслаҳати, нейросонография, электроэнцефалография, кўрсатма бўйича бош миядаги ўсмалар, нуқсонлар ҳамда жароҳатдан кейинги ўзгаришларни инкор этиш мақсадида КТ ва МРТ ўтказилиши лозим.

Шайтонлаш хуружларини даволаш, унга қарши препаратларни танлаш, дозасини аниқлаш ва тўхтатиш фақат врач-невропатолог томонидан тавсия этилади.

Ота-оналар томонидан шифокорлар тавсияларини тўла амалга ошириш — даволанган болаларнинг келгусида соғлом ва ҳар томонлама бақувват ривожланиши гаровидир. Болаларни мунтазам назорат қилиш, серхархашалик каби белгилар пайдо бўлиши билан шифокорга мурожаат қилиш, улар билан доимо мулоқотда бўлиш, шифокор билан маслаҳатлашиш лозимдир.

Машкура ИСРОИЛОВА,
олий тоифали шифокор-невропатолог



Узгидромет
ХАБАР ҚИЛАДИ

си — 0-2 даража совуқ, кундузи — 8-10 даража иссиқ бўлади.

Узгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 12 февралда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сакланиб қолишига имконият ятади, тағмиқдори паст бўлади.



Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълоплар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамитига — 233-74-06 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терриди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 241

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди.
13549 нусхада босилди.
Қўғоз бичими А-2

Тошпириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул
Д. Исроилов

Боснига топширилди: 14.20

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Босмаҳонаси, Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Ақмал АҚРОМОВ